

## Мушрикларнинг залолатда давом этавериши



11:00 / 10.03.2020 2178

Макка мушриклари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳақиқий Пайғамбар эканларига далил сифатида ҳужжат – мўъжизалар кўрсатишни сўрашарди. Ана шулар ичида ойни иккига ёриб бериш талаби ҳам бор эди. Аллоҳ таоло бу ишни нубувватнинг 9-йили рўёбга чиқарди, яъни ой иккига бўлинди. Лекин мушрик-кофирлар бу мўъжизани кўриб туриб: «Муҳаммад одамларни сеҳрлаб қўйди», дейишди.

Аллоҳ таоло Қамар сурасида марҳамат қилади:

«Соат яқинлашди ва ой бўлинди» (1-оят).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ой икки бўлакка бўлинди. Бир бўлаги тоғнинг орқасида, бир бўлаги унинг олдида. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гувоҳ бўлинглар!» дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Имом Аҳмад Жубайр ибн Мутъимдан шундай ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида ой ёрилиб, иккига бўлинди. Бир бўлаги манави тоғ устида, иккинчи бўлаги анави тоғнинг устида кўринди. Мушриклар: «Муҳаммад бизни сеҳрлаб қўйди, – дейишди. Сўнг улар: – Агар бизни сеҳрласа ҳам, барчани сеҳрлай олмайди,

мусофирлар келишини кутиб турунлар», дейишди. Мусофирлар келганларида улардан сўраб кўришган эди, мусофирлар ҳам ойнанинг ёрилганини кўришганини айтдилар. Шунда мушриклар: «Муҳаммад ҳаммани сеҳрлаб қўйди», дейишди. Аллоҳ таоло Қамар сурасининг аввалги оятларини нозил қилди».

Сўнг мушриклар у зотдан бошқа бир қанча мўъжизалар келтиришларини сўрашди.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

«Улар дедилар: «Токи бизга ердан чашма отилтирмагунигча, зинҳор сенга иймон келтирмасмиз. Ёки сенинг хурмо ва узум боғинг бўлиб ва уларнинг орасидан анҳорларни отилтириб чиқармагунигча... ёки ўзинг даъво қилганигдек, устимиздан осмонни парча-парча қилиб туширмагунигча, ёхуд Аллоҳни ва фаришталарни олдимизга келтирмагунигча... ёки олтиндан безалган уйинг бўлмагунигча, ёхуд осмонга кўтарилмагунигча, ўша кўтарилишингга ҳам, токи биз ўқишимиз учун китоб келтирмагунигча, ишонмаймиз». Сен: «Роббим пок бўлди. Мен фақат башар Расулман, холос!» дегин» (90-93-оятлар).

Кофирлар оддий инсон Аллоҳнинг пайғамбари бўлишини ҳеч ақлларига сиғдира олишмайди. Уларнинг тасавурида пайғамбар ё фаришта, ёки қандайдир ажабтовур, бошқалардан алоҳида ажралиб турадиган одам бўлиши керак. Ҳеч бўлмаса пайғамбарнинг яшайдиган уйи бошқалардан ажралиб туриши, мисол учун, олтиндан қурилиб, бошқача безатилган бўлиши лозим...

Шунингдек, кофирлар тасавурида бошқаларга ўхшаб еб-ичадиган, бозорда юрадиган оддий одам пайғамбар бўлиши мумкин эмас. У пайғамбар бўлганидан кейин турли ғайритабиий ишларни қиладиган бўлиши керак.

Мисол учун:

«...ёхуд осмонга кўтарилмагунигча, ўша кўтарилишингга ҳам, токи биз ўқишимиз учун китоб келтирмагунигча, ишонмаймиз», дейишди.

Яъни «Пайғамбар осмондан, Аллоҳнинг олдидан унга китоб нозил бўлаётганини даъво қиляпти, ўзи осмонга чиқиб кўрсатсин, ўша чиққанда бир йўла китобни ҳам олиб тушиб, одамларга берсин, улар ўқисинлар».

Пайғамбар Аллоҳнинг элчиси бўлса-да, аввало, у ҳам оддий одам; одам боласига хос ҳамма нарсалар унга ҳам жорий бўлади. У оддий одам учрайдиган барча нарсаларга учрайди. Пайғамбарлиги эса Аллоҳнинг берган фармонларини амалга ошириш билан бўлади. У ўзича бирор нарсани, жумладан, мушриклар таклиф қилаётган мазкур ишларни ҳам қила олмайди. Булар унинг вазифаси доирасига кирмайди. Бу ишлар фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Худди мана шу ҳолатни идрок эта олмаслик, хусусан, оддий одамнинг пайғамбар бўлишини тасаввур қила олмаслик қадимдан одамларни иймондан тўсиб келган.

Мушриклар сўраган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам кўрсатилмаганида ўзига хос ҳикмат бўлиб, Аллоҳ таолонинг Ўзи шуни ирода қилган. Агар ўша нарсалар юзага чиққанида, мушриклар ойнанинг бўлинишини ёлғонга чиқарганлари каби уни ҳам ёлғонга чиқаришлари аниқ эди. Кейин эса уларни таг-туғи билан қўпориб ташлаш, азоб юбориш вожиб бўлиб қоларди, чунки Аллоҳ таоло ўтган умматларнинг кўпчилигини пайғамбарларига келган мўъжизаларга иймон келтирмаганлари, уларни ёлғонга чиқариш қайта-қайта такрорлангани учун таг-туғи билан қўпориб йўқ қилган.

Макка мушриклари аҳли китобларга одам юбориб, улардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида маслаҳат сўрай бошлашди. Яҳудийлар қурайшликларга: «Ундан руҳ ҳақида сўранглар. Кўп тавоф қилувчи одам ҳақида сўранглар. Аҳли қаҳф ҳақида сўранглар», деб ўргатишди. Бу саволларга Қаҳф сурасидаги оятларда жавоб нозил бўлди. Лекин мушриклар саркашликда, залолатда давом этаверишди.

***«Ислом тарихи» биринчи китобидан***